O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR DAVLATOBOD TUMAN HOKIMINING

Q A R O R I

Davlatobod t. Islom Karimov ko`chasi

2022 - yil 12 - dekabr 551-6-219-Q/22 Davlatobod tumani hokimligi

Давлатобод туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5, 57-бандларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. “Ўрта Ғирвон” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2022 йил 10 ноябрдаги 100-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлатобод туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб "Ғирвон савдо компелкс" бозори белгилансин.

3. Давлатобод туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00 дан 16:00 га қадар ташкил этилади.

4. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул берилсин.

5. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6. Туман давлат солиқ инспекцияси (О.Усманов), ички ишлар бўлими А.Хожаханов, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (А.Расулов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни

ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

7. Ушбу қарор “Наманган садоси” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9. Ушбу қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Маматқулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **А.Таджимирзаев**